

Умавийлар халифалиги



11:44 / 22.01.2025 2073

(ҳижрий 41-132; милодий 661-750)

Умавийлар халифалиги даври рошид халифалик тугагандан сўнг, ҳижрий 41 йил (милодий 661 йил) Рамазон ойида ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу шаҳид бўлганларидан кейин, имом Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳунинг халифаликдан воз кечишлари ва ҳижрий 41 йил 25 рабиъул аввал (милодий 661 йил 28 июль) куни Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳуга байъат қилиниши билан бошланади. Бу давлат ҳижрий 132 йил 11 жумодус-соний (милодий 750 йил 25 январь) куни Зоб жангида халифа Марвон ибн Муҳаммаднинг енгилиши билан ниҳоясига етади.

Умавийлар давлатининг ҳукмронлиги 91 йил давом этган. Ушбу вақт мобайнида бу давлатга иккита оила раҳбарлик қилиб, 14 халифа фаолият олиб борган. Дамашқ шаҳри умавийларнинг пойтахти ҳисобланган.

Бану Умайянинг халифалари

Суфёнийлар оиласи

1. Муовия ибн Абу Суфён. Ҳижрий 41–60 (милодий 661–680) йиллар.
2. Язид ибн Муовия. Ҳижрий 60–64 (милодий 680–683) йиллар.
3. Муовия ибн Язид. Ҳижрий 64 (милодий 683–684) йилларда 40 кун халифалик қилган.

Ҳижрий 64–73 (милодий 684–692) йилларда умавийларнинг ҳукми Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг халифалиги билан қўшиб олиб борилган.

Марвонийлар оиласи

4. Марвон ибн Ҳакам. Ҳижрий 64–65 (милодий 684–685) йиллар.
 5. Абдумалик ибн Марвон ибн Ҳакам. Ҳижрий 65–86 (милодий 684–705) йиллар.
 6. Валид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 86–96 (милодий 705–714) йиллар.
 7. Сулаймон ибн Абдулмалик. Ҳижрий 96–99 (милодий 714–717) йиллар.
 8. Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон. Ҳижрий 99–101 (милодий 717–720) йиллар.
 9. Язид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 101–105 (милодий 720–723) йиллар.
- Ҳишом ибн Абдулмалик. Ҳижрий 105–125 (милодий 723–743) йиллар.
- Валид ибн Язид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 125–126 (милодий 743–744) йиллар.
- Язид ибн Валид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 126 (милодий 744) йил.
- Иброҳим ибн Валид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 126–127 (милодий 744–745) йиллар.
- Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон. Ҳижрий 127–132 (милодий 745–750) йиллар.

«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.